



Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, келажакда ичингизга Ибн Марям алайҳиссалом одил ҳакам бўлган ҳолда нозил бўлади. Сўнг хочни синдиради, чўчқани ўлдиради, жизяни бекор қилади ҳамда мол-мулк тўлиб-тошади. Ҳаттоки бирор киши уни қабул қилмай қўяди», - дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, келажакда ичингизга Ибн Марям алайҳиссалом одил ҳакам бўлган ҳолда нозил бўлади. Сўнг хочни синдиради, чўчқани ўлдиради, жизяни бекор қилади ҳамда мол-мулк тўлиб-тошади. Ҳаттоки бирор киши уни қабул қилмай қўяди», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Исо ибн Марям алайҳиссалом тушиб, Муҳаммадия шариати ила адолат билан ҳукм қилишига қасам ичдилар. У киши насоролар улуғлайдиган хочни синдирадилар, чўчқани ўлдирадилар, жизяни қабул қилмайдилар ва барча инсонларни Ислом динига олиб кирадилар. Бойлик кўпаяди, ҳеч ким уни қабул қилмай қўяди. Бу эса, бойликнинг кўплиги, ҳамма қўлидаги нарса билан бошқадардан беҳожат экани, баракалар тушгани ва яхшиликлар узлуксиз эканига далолат қилади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65025>

